Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 25 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 68 (7161)

Da`vat

Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!

Ibrat

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги «Маданият» деҳқон-фермерлар хўжалиги ҳудудида янги, 540 ўринли мухташам мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга шай ҳолга келтирилди. Мўйноқ туманидаги «Мўйноқ» деҳқон-фермерлар хўжалигида қад кўтарган 270 ўринли янги мактаб биносида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Oliy Majlis sessiyasi

ХУЛОСА ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Давлатимиз истиқлолга эришгач, юртимизда улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси ҳаётимизга олам-олам янгиликлар олиб кирганлигини таъкидлаш мумкин.

Амалдаги йилнинг 19-20 август кунлари Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Якунловчи характерга эга бу парламент сессияси сўнгги йилларда амалга оширилган ишларнинг ўзига хос ҳисоботи руҳида бошланди. Сессиянинг биринчи кунида депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1995—1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини муҳокама қилдилар, ҳисобот маъқулланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Президент Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз бошлиғи мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистон эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаб, ислоҳотларни амалга оширишда, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туришда, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги туб ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда Парламентнинг катта ўрин тутганини қайд этди. Бўлажак сайловлар масалаларига алоҳида тўхталиб, барча сиёсий партияларни сайловолди сиёсий курашини ҳалол, маърифий тарзда ўтказишга чақирди.

Президент сайловларнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

— Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади — ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами, аввало, ўз ҳоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб мустақил ва онгли равишда овоз берсин.

Мана шу мақсадга эришилган ҳолда сайлов натижаларидан қониқиш ва мамнуният ҳосил қилиш мумкин.

Сайловларда партияларнинг фаолияти ҳақида тўхталар экан, Президент Ислом Каримов шундай деди:

— Мен бу сайловларда барча партияларимизга омад тилар эканман, уларнинг битта ақидага амал қилишларини истар эдим: сиёсий курашлар тарихидан маълумки, жаҳондаги кўплаб партиялар ур-йиқит, жанжал-сурон орқасидан «обрў» топишган бўлса, сизлар эса, барака топгурлар, бунёдкорлик, яратувчилик иши билан обрў топинг.

Депутатлар 1999 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодий истиқбол кўрсаткичларини ва давлат бюджетининг параметрларини муҳокама қилиб, тасдиқладилар.

Шундан кейин янги Қонун лойиҳалари муҳокамаси бошланди. Муҳокамалардан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири, «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида»ги, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинди.

Сессиянинг иккинчи иш кунида ҳам янги Қонунлар лойиҳалари муҳокамалари давом эттирилди. «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Туризм тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари депутатларнинг фаол иштирокидаги муҳокамаларидан сўнг қабул қилинди.

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳамда суд ижрочилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг лойиҳалари биринчи ўқишда маъқулланди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1995—1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаб, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўринбосарини сайладилар, Марказий сайлов комиссияси аъзосини тасдиқладилар.

Парламент иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар ҳамда халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайловини 1999 йил 5 декабрь, якшанба куни ўтказишни белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январь, якшанба куни ўтказишни белгиланди.

Биринчи чақириқ Парламентнинг якунловчи сессияси фаолиятининг қамровли қисми хулосаларини чиқариш билан бирга, янги режалар, янги ўзгаришларнинг тамал тошини қўйди.

Qutlug' ostona

ЁШ МУТАХАССИС ИШГА КЕЛГАНДА...

Республикамизда педагог-кадрларга ҳануз эҳтиёж сезилаяпти. Уни қоплаш учун педагог мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳукуматимиз катта эътибор ва масъулият билан ёндошмоқда. Шунингдек, жойларда ушбу касб этагидан тутиб, эзгу ниятлар билан мактабга илк қадам қўйган ёш ўқитувчилар очиқ юз билан қаршиланиб, уларнинг касб масъулиятини юракдан ҳис қилишлари учун яхши анъаналар шаклланаяпти. Буни улар билан ўтказилаётган турли хил тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин. Шулардан бири яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасида ҳам бўлиб ўтди. Давра столи шаклида ташкил этилган ушбу тадбирда бошқарма бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ёш ўқитувчилар билан чин дилдан суҳбатлашди, уларнинг муаммолари билан қизиқди.

Аввало, давра столи атрофида мактабга келгач, ёш мутахассис қандай муаммоларга дуч келади? Улар қандай ечилади? Ёшлар касбдошлари дарсларида бўлишадими каби саволлар атрофлича ўрганилди. Ёш мутахассисларнинг бу борадаги фикрлари тингланди.

Очиғи, ёш мутахассис мактабга эзгу ниятлар билан қадам басади. Аслида ёш мутахассиснинг педагогик фаолияти ана шу нуқтадан бошланади. Дуч келинадиган муаммоларни ечиш юзасидан ҳам бевосита тавсиялар берилади. Бир сўз билан айтганда, уларга руҳий далда берилади. Шу аснода ёш мутахассиснинг педагогик фаолият ҳақидаги тасаввури ҳақиқатга, амалиётга яқинлашади.

Қувонарлиси, бу йил педагогика олий ўқув юртларига тошкентлик ўғил-қизлар вилоятдагиларга нисбатан энг кўп ҳужжат топширганлар. Улар бу касбни ўзлари танлаётирларми ёки шароит тақозосига кўрами? Маълумотларга қараганда, айни пайтда Тошкент шаҳридаги қатор мактаб ва лицейлар тилга тушмоқда. Ота-оналар ҳам фарзандларига ана шундай илм масканларини, тажрибали ўқитувчиларни танлашяпти. Айтиш жоизки, Акмал Икромов туманидаги «Ором» боғча-мактаб мажмуи, Сирғали туманидаги 300-лицей довруғи кундан-кунга ошиб бормоқда. Бунга қандай эришилди?

Энг аввало, бу масканларга ўқитувчилар саралаб олиниб, бир йилга шартнома тузилди. Уларнинг ҳам энг сараси мактабда қолдирилди. Фидойи муаллимлар учун қўшимча даромад манбалари ҳам топилди..

Ҳукуматимизнинг устоз ва мураббийлар обрўси ошиши йўлида қилаётган ҳаракат ва ғамхўрликлари, уларга бераётган имтиёзлари, шаҳар ҳокимиятининг халқ таълимига эътибори ҳам ўқитувчилик касбига ҳавас ва иштиёқ уйғотиши табиийдир. Демак, яқин йилларда шаҳар мактаблари яхши мутахассислар билан тўла таъминланади, дейишга етарли асослар бор. Ҳозирча... ёш муаллимларнинг давра суҳбатида баён этган фикрларига қулоқ тутайлиг-а.

Нигора ИСОҚОВА,
Ҳамза туманидаги 69-мактаб ўқитувчиси:

— Мен 1-Тошкент педагогика билим юртида таълим олганман. Шаҳарда ўқитувчилар етишмаганлиги боис 4-курсдан ишга жалб этилганмиз. Шу боис талабалик давримиздаёқ тайёрлаган кўргазмали қуролларимиз, айниқса, ҳозир кўл келаяпти. Иш жараёнида сездикки, бола оламни билишни хоҳлар экан. Бунинг учун эса бола ҳайратланиши керак. Ҳозир болаларни ҳайратлантириш, улар қалбига йўл топиш учун кўплаб иш усулларини - қўллаяпмиз, тадбирлар ўтказаяпмиз. Албатта, бунда ота-оналар билан бамаслаҳат иш тутмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Саудия Арабистони Подшоҳлиги савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳни қабул қилди.**

• **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган барча диний жамоалар вакиллари мактуб йўллашди.**

• **Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Вьетнам миллий байрами – Мустақиллик кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

• **Ангола ҳукумати Жанубий Африка тараққиёти ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларига мурожаат қилиб, УНИТА исёнчиларига қарши курашишда ёрдам беришни сўради.**

• **Нигерия ҳукумати мамлакат қуролли кучларини қарийб икки баробар қисқартириб, 80 мингдан 50 мингга туширилиши мумкинлигини маълум қилди.**

• **Халқаро валюта жамғармаси билан Украина делегацияси ўртасидаги музокаралар муваффақиятли якунланиб, ХВЖ Украинага навбатдаги қарзни ажратиши кутилмоқда.**

ЖАВОБЛАР ЧИҚДИ, НАТИЖА ҚАНДАЙ?

Test — Mustaqillik mevasi

Вақт шиддаткор ва у туганмас хазинадир. Бугунимиз шу қадар шитоб билан кечага айланадики, янги кунинг қай тариқа туғилганини сезмай ҳам қоламиз. 1 август... 19 август... Кунлар саноқли, аммо бу кунлар тест синовларини топширган абитуриент учун ниҳоятда ҳаяжонли ўтганлиги кундай равшан. Замонамиз ёшлари вақтдан ютиш, илм-маърифат эгаллашдек эзгу ниятда эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бунга биргина мисол тест синовларидир. Маълумотлар абитуриентларнинг ўтган йилгидан анча кўп эканлигини исботлайди. Минглаб йигит-қизларнинг тақдири ҳал бўлди. Халқона иборада эса «қозонда бори чўмичга чиқди». Мухбиримиз бу йилги тест натижаларини шарҳлаб беришини сўраб, Давлат Тест Маркази директори, техника фанлари доктори, профессор Муҳсин Муҳиддиновга мурожаат этди:

— Муҳсин ака, эшитишимизга қараганда, ўтган йилгига нисбатан абитуриентлар аризаси бир неча баробар кўп. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Эшитганингиз тўғри ва бу қувонадиган жиҳат. Тест синовлари борган сари халқимиз ҳаётига чуқурроқ кириб бораяпти. Тест – умид, ишонч, илинж туйғусига ундовчи мезон бўлиб қолди.

Бу йил олий ўқув юртларининг кундузги ва сиртқи бўлимларига 195 мингта ариза тушди.

— Абитуриентларни бир-бирига қиёслаганда, қандай натижа кузатилди?

— Фикрингизни тушундим. Бу йил умумтаълим мактабларининг 112 минг нафар битирувчиси ҳужжат топширди. Бу анча салмоқли рақам. Уларнинг тўплаган ўртача баллари 86,3 га тенглашди. Маълум йўналишдаги лицейларни битирган 22805 нафар абитуриентнинг ўртача баллари 109,2 рақамига тўғри келди. Ҳунар билим юртларидан ҳужжат топширган йигит-қизларнинг ўртача баллари эса 79,6 га етди.

— Буни қандай хулосалаш керак?

— Лицейларда оддий мактабларга нисбатан таълим-тарбия ишлари анча юқори. Сабабики, у ерда илмий даражаси, салоҳияти пухта бўлган ўқитувчилар таркиби мавжуд. Лекин менинг назаримда оддий мактабларда, ҳунар билим юртларида ҳам таълим-тарбия ишлари яхшиланиб борса, уларнинг абитуриентлари тўплаган баллар ҳам юқорилашади.

— Энг юқори баллар қайси олий ўқув юртларида қайд этилди?

— Мен бир фикрни қувонч билан эътироф этаман. 145 минг абитуриентнинг (кундузги бўлим) 53 минг нафари ўтган ва ундан аввалги йилларда кира олмаганлардир. Ёшларимиздаги сабр-тоқат, собит ирода барибир барчамизни лол қолдирмоқда. Талабаликка қабул қилинган ёшларнинг 43 фоизини ана шундай абитуриентлар ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда)

ДЎСТ КУЛФАТДА БИЛИНАР

Munosabat

Ўзбекистон халқи Туркияда юз берган, катта вайронагарчиликларга олиб келган зилзила, бу ҳодиса туфайли кўплаб кишилар ҳалок бўлгани ҳақидаги хабарни дарду алам билан кутиб олди. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ҳукумати ва халқи, шахсан ўз номидан Туркия ҳукуматига, ҳалок бўлганларнинг қариндош - уруғларига самимий таъзия изҳор этиб, бу ҳалокат оқибатлари тез орада тугатилиши ҳамда турк халқи яна тинч ва осойишта ҳаётга қайтишига ишонч билдирди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Измир зилзиласи оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ишларини ўтказишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Фармойиши чиқди. Унга кўра, жабр кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ҳисоб рақамига 200 минг АҚШ доллари ўтказилади.

Шунингдек, Фармойишга мувофиқ, Тошкент аэропортидан «Ил - 76» махсус транспорт самолётида республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 25 кишидан иборат малакали қутқарувчилари Туркияга учиб кетди. Гуруҳ табиий офатлар оқибатларини тугатиш борасида катта тажриба орттирган ҳамда юксак профессионал маҳоратга эга бўлган «Нажоткор» ва «Халоскор» авария - қутқарув отрядлари қутқарувчиларидан иборат. «Мерседес Бенц - 1222», «Мерседес Бенц - 911» ва «УАЗ - 31519» русумли учта махсус авария -қутқарув автомобиллари ҳам гуруҳ билан бирга жўнатилди.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Туркияга юборилган авария - қутқарув гуруҳи икки ҳафта мобайнида ташқаридан ёрдам олмаган ҳолда мустақил равишда ишлаш учун барча зарур нарсалар билан таъминланган.

Шуни қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим ой Миллий жамияти билан келишувга мувофиқ, Туркияга қутқарувчилар гуруҳи билан биргаликда зилзиладан жабр кўрганлар учун кўплаб кўрпа-тўшак ва кийим-кечакдан иборат мурувват юки жўнатилди.

Ўқитувчи ёш дафтарига

КАМРОҚ ГАПЛАШГАН МАЪҚУЛ

Америка ва швед олимлари узоқ вақт олиб борилган тадқиқотлари сўнгида шундай қатъий хулосага келишди: уяли алоқа телефонларидан мунтазам фойдаланиш мияда шиш пайдо бўлиш хасталигининг келиб чиқиши эҳтимолини 2,5 бараварга орттирар экан. Олимлар, айниқса ёш болалардан бундай телефонларни узоқ тутиш лозим, дея огоҳлантиришмоқда.

АЖОЙИБ ТАНЛОВ

Британия радиоэшиттириш уюшмаси анча вақтдан буён «Табиат овози» мавзуида танлов ўтказиб келади. Бу ажойиб танловда табиатдан ёзиб олинган мингларча овозлар эшитиб кўрилади ва баҳо берилади. Табиатдаги энг ғаройиб овозни ёзиб олишга муваффақ бўлган муаллифни танлов мукофоти кутади.

НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК

Сўнгги ярим йилда Малайзияда номаълум касаллик оқибатида 117 нафар киши вафот этди. Мутахассислар мазкур касаллик чўчқа гўштини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиққан, дея тахмин қилишмоқда. Бироқ, касаллик вирусларининг қандай келиб чиқиши ва ривожланиши ҳозирча жумбоқ бўлиб қолмоқда...

ҲАРОРАТ ЮҚОРИ

Сўнгги кунларда АҚШда ҳароратнинг ғоят кўтарилиб кетганлиги ва тушмаётганлиги аҳолига катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Иссиқ оқибатида юздан зиёд кишилар вафот этди. Шифокорлар кекса ва юраги носоғлом кишиларга иссиқда ташқарига чиқмасликни маслаҳат беришмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан:

Ўш вилоятининг Боткент туманидаги вазиятга доир

20 август куни ўзбек, тожик, араб, пуштун миллатларига мансуб, шунингдек, ҳозирча миллати номаълум, ўзаро инглиз тилида сўзлашувчи 50 нафарга яқин жангари Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Боткент тумани ҳудудига бостириб кирди.

Тонг саҳарда жангарилар Тожикистон билан яқин чегарадош (4-5 чақирим) бўлган, Олой тизмасининг Қирғизистон ҳудудидан ўтувчи Кўксув дарёси атрофидаги "Абрамов музлиги" яқинида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Гидрометеорология марказига қарашли метеостанцияга кириб келди. Улар метеостанциянинг 10 нафар ходими ва 5 нафар маҳаллий сайёҳни гаровга олди, уларнинг шахсий ҳужжатлари, пуллари, кийим-бошлари, метеостанцияда мавжуд бўлган озиқ-овқат ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини тортиб олиб, ўзларини ҳайдаб юбордилар.

21 август куни жангарилар гуруҳи тоғ даралари орқали тушиб, Қирғизистоннинг Боткент туманидаги Зардоли, Жилисув ва Хўжа Ачкан аҳоли манзилларини эгаллади.

Бундан ташқари, қуролланган гуруҳ Боткент туманининг Олтин жилға қишлоғида жойлашган геология-қидирув экспедициясига ҳужум қилиб, унинг мол-мулкини, шу жумладан, иккита "Жип" русумли автомашинасини тортиб олиб, тўрт нафар Япония фуқароси ҳамда таржимонни гаровга олган.

22 августдан 23 августга ўтар кечаси 40 нафарга яқин жангари Боткент туманининг Кон шаҳарчасига ҳужум уюштирган. Жангарилар шу тумандаги Олтин Жилға қишлоғини жангарилардан ҳимоя қилишга келган Қирғизистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлари бригадаси қўмондони, генерал А.Шанкеевни ҳам ҳанузгача гаровда ушлаб туришибди.

Олинган маълумотларга кўра, юқорида номи эзкр этилган аҳоли пунктларида истиқомат қилаётган кишилар орасида қурбонлар бор, маҳаллий маъмурият вакилларидан бир неча киши гаровга олинган. Боткент туман марказига 250 га яқин киши қочиб ўтган.

Қирғизистон ва Ўзбекистон қуролли кучлари жангарларнинг бундан буёнги ҳаракатларининг олдини олиш ва уларни Қирғизистон ҳудудидан сиқиб чиқариш бўйича ҳамкорликда тадбирлар ўтказмоқдалар.

Маълумотларга кўра, Тожикистон ҳудудидан жангарларга қўшимча қуролланган кучлар жўнатилаётгани сабабли Тожикистондан Қирғизистоннинг Зардоли аҳоли пунктига ўтиш имконини берувчи тоғ йўллари портлатилган, айни пайтда у ердаги манзилларни Қирғизистоннинг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари назорат этмоқда.

. . .

Жиноятчор тўдалар солаётган таҳдид ва хавф-хатарга ўз вақтида чек қўйилмаса, эртанги кунда воқеалар ривожи Доғистон ва Чеченистон чегарасида бўлаётган можаролар каби тус олиши эҳтимолдан холи эмас.

Қардош Қирғизистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ҳудудларида юз бераётган воқеалар бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шу муносабат билан биз халқимизни, жамоатчилигимизни ҳушёрлик ва сергакликка чақирамиз.

Ўзбекистон раҳбарияти топшириғига биноан чегара қўшинлари ва тегишли ҳарбий кучлар тарафидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

O'qituvchiga yordam

МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ

(Республикамиз мактаблари, мактабдан ташқари муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган «Мустақиллик сабоқлари»ни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан методик тавсиялар)

Анъанага кўра, янги – 1999-2000 ўқув йилининг биринчи куни «Мустақиллик сабоқлари» билан бошланади. Аёллар йили бўлмиш бу йилги биринчи қўнғироқда ҳам юраклар ҳаяжонга, завқ-шавққа тўлиши табиий. Чунки аёл борки, олам мунаввар, юрт чароғондир. Мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишланган дарсларни намунали, сермазмун, қизиқарли қилиб ўтказиш ҳар бир устозу мураббийдан алоҳида тайёргарлик ва катта масъулият талаб этади.

Ушбу дарс ўқувчилар қалбида иймон - эътиқод ҳиссини мунаввар этиб, она Ватанга, халқига, меҳр-муҳаббат уйғотиши зарур. Шу боис, аввало, дарс мавзусини тўғри танлаб олиш, ўқувчининг ёши, билим даражаси, малака ва кўникмаларига мос равишда аниқ белгилай билиш лозим. Сабоқларни «Мустақиллик — буюк неъмат», «Мустақиллик — юксак маънавият», «Мустақиллик — ўзликни англаш», «Ўзбекистон — мустақил диёр», «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни», «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Ўзбекистон ёшлари — фидоийдирлар», «Мустақиллик, асрайман сени» каби мавзуларда ўтказилса яхши бўлади.

Сабоқлар суҳбат, савол-жавоб, баҳс-мунозара, ҳикоя шаклларида, саҳналаштирилган лавҳалар ёрдамида ташкил этилгани маъқул.

Синф хоналарида, коридорларда, мактаб пештоқида «1 сентябрь — Мустақиллик куни», «Гулла, яшна, ҳур Ўзбекистон», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» «Ўзбекистон болалари ўз юртини севадилар» сингари шиорлар осиб қўйилиши ва синф тахтасига дарс мавзуси чиройли қилиб ёзилган бўлиши керак.

Мустақиллик дарсининг кириш қисмида Ватан, она юрт, мустақиллик ҳақида тушунчалар берилади. Сўнг севимли диёримизнинг мустақилликка эришганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Чунончи, 1-4-синфларда Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақида суҳбат ўтказилиши лозим. Мадҳия ижро этилади. Унинг муаллифлари ҳақида суҳбат қурилади.

5-9-синфларда эса дарс давомида серқуёш Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги давридаги иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, миллий мафкуравий ўзгаришлар, давлатимизнинг жаҳонга юз тутганлиги ҳақида савол-жавоб ёки суҳбат уюштирилади. Шу бўйича солиштирма рақамлар, диаграмма кўрсатилиши, соҳа-соҳа бўйича аниқ мисоллар келтирилиши лозим.

Юқори синфларда ўтиладиган «Мустақиллик сабоқларида» мустақиллик тарихидаги нохуш ҳолат — Тошкентда бўлиб ўтган 16 февраль воқеаларининг мудҳишлиги, унинг келиб чиқиш сабаби, иштирокчилари ва қурбонлари, уларнинг суд жараёни, шу ҳақидаги ҳужжатли видеофильм ҳақида тушунтириш, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг инсоният учун ёт ва офат эканлигини, унинг олдини олишда ёшларнинг вазифалари ҳақида мисол, далиллар асосида батафсил сўзлаб бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармонига асосан, 1999 йилдан бошлаб 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошлангани, унинг мазмун ва моҳияти ҳақида сўз юритилади. «Хотира» ва «Қадрлаш» иборалари мазмуни, уларнинг маънавий қадр-қиммати тушунтирилади.

Ундан ташқари, миллий ғоя ва мафкура мавзуида давра суҳбати ўтказиш ҳам яхши натижалар беради. Бу ўринда Юртбошимизнинг «Ўз тақдримизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз», «Оллоҳ қалбимизда ва юрагимизда», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Ҳушёрликка даъват» каби нутқ ва асарлари мазмуни ва маънавий тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритилса, фойдадан холи бўлмайди.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида таълим тизимидаги муҳим ислоҳотлар, таълим-тарбия мазмунидаги миллийлик ва ёшларнинг хорижий давлатларда таълим олиш имкони яратилганлиги, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг босқичма -босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани, шунингдек, мустақилликнинг маънавий-ҳуқуқий жиҳатлари тушунтирилади. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлиги, бу буюкликни таъминлашда, мустақилликнинг мустаҳкамланишида бугунги ўқувчи-ёшларнинг вазифалари ҳақида батафсил гапирилади.

Юқори синфларда ўқитувчи аллома аждодларимиз томонидан олға сурилган, миллий мафкурани яратиш борасидаги ғоялар ҳақида сўзлаб беради. Миллий мафкура асосида диёнатли, адолат ҳисси кучли, қалби иймон нури билан суғорилган, гуноҳ ишлардан ҳазар қилувчи, савоб ишларни фахр деб билувчи, маърифатли, илм — қуролим, сабр — толеим, иймон — қувватим, ростгўйлик шиорим деб билувчилар фазилатлари хусусида фикр юритилади. Бу ўринда Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Форобий, Беруний, Амир Темур, Увайсий, Нодирабегим, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Усмон Носир ўгитларини уқтириш лозим. Келажаги буюк давлат учун жисмонан бақувват, маънан юксак, ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш шу куннинг бош вазифаси экан, мустақиллик даврида жисмоний тарбия, спорт ишларининг ривожланиб, юқори поғонага кўтарилаётганлигини тушунтириш лозим. Айниқса, миллий кураш бўйича жаҳон чемпионатининг ўтказилишига алоҳида эътибор қаратмоқ керак.

Кўплаб спорт иншоотлари қурилганлигини («Олимпия шон-шуҳрати» музейи, «Жар» ва бошқа шу каби иншоотларни алоҳида таъкидлаш лозим. Шу аснода ўқувчиларни спортни севиш ва у билан шуғулланишга ундаш керак.

Ўзбеклар қадим қадимдан паҳлавон, жасур, ботир, қўрқмас халқ бўлганлиги тарихдан маълум. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигида нишонланиши лозим бўлган буюк маънавий меросимиз бўлмиш, «Алпомиш» достонининг тўйи, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллиги тантаналари аҳамияти ўғил-қизларимизга тушунтирилиши лозим.

Демак, мустақиллик сабоқларининг асосий қисмида Мустақилликни мустаҳкамлаш ёшлар зиммасига тушишини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Хусусан, бундай машаққатли иш ҳар бир жамиятда ҳам илмли, маърифатли, тарбияли, меҳнаткаш, тадбиркор шу билан бирга фидоий кишилар зиммасида эканлиги кўрсатилади.

Президентимиз Фармонига кўра Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди ва мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларидаги аъло хулқли, зукко, доно, ташаббускорлиги, ўқишидаги муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намоён қилаётган иқтидорли қизларга адабий, маданий, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилиши нур устига аъло нур бўлди. Чунки, таълим соҳасида устоз-мураббийлик бобида қиз-аёлларимизнинг ўрни беқиёсдир. Мазкур Давлат мукофотини олган қизларнинг олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиниши эса, ўқувчи қизларнинг билимга интилишларини янада кучайтиришини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Таъсис этилган янги Давлат мукофоти орқали ўзбек халқининг фарзанди — шоира Зулфияхонимнинг Ватан учун, Халқ учун, Мустақил тараққиётимиз учун қилган улкан ва бебаҳо хизматларига берилган баҳо, Аёл зотига — қизларга бўлган чексиз эҳтиром, ҳурматнинг ёрқин ифодаси эканлигини англатиш лозим.

Мустақил диёримизнинг бир гуруҳ илмсевар, маърифатпарвар ўғил-қизлари математика, физика, кимё фанлари бўйича халқаро олимпиадада ва турли мусобақаларда муваффақиятли иштирок этганликлари биз учун фахр эканлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ўқитувчи томонидан Мустақиллик дарсларини аъло даражада ўтказиш маҳоратга, имкониятларга, ижодкорликка боғлиқ. Хуллас, биринчи қўнғироқ — Мустақиллик сабоқлари мазмунли ва қизиқарли бўлса, бу дарс йил давомида ўқувчилар ёдида сақланади.

Машкура ТУРОПОВА,
РТМ «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими бошлиғи

1 2 3 4

ЖАВОБЛАР ЧИҚДИ, НАТИЖА ҚАНДАЙ?

(Боши 1-бетда)

Дарвоқе, баллар хусусида. Максимал баллар ТошДУ, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент алоқа электротехника, Самарқанд Давлат чет тиллари институти, Қарши Давлат университети, Наманган иқтисод муҳандислик институтлари ва ҳоказо даргоҳларда кузатилди. Бу ўқув юртларида ўқиш истагини билдирган абитуриентлар орасида 224, 224,7, 223, 223,8 балл тўплаганлари анчагина.

— *Педагогика йўналишида таълим берувчи олий ўқув юртларида тест натижалари қандай бўлди?*

— Шуни қувонч билан айтиш керакки, бу йўналишдаги даргоҳларда ҳам танлов жуда катта бўлди. Навоий ДПИда бир ўринга 10, Нукус ДПИда бир ўринга 9, Қўқон ДПИда бир ўринга 8, Жиззах ДПИда бир ўринга 8, Низомий номидаги ДПУда бир ўринга 7 киши ҳужжат топширганлиги кузатилди. Айрим йўналишлар бўйича аризалар кўпроқ тушди. Масалан, Жиззах ДПИ да тарих ихтисоси бўйича бир ўринга 18 киши, Навоий ДПИ да биология мутахассислигида бир ўринга 30 киши, тарих йўналишига эса бир ўринга эса 23 киши тўғри келганлиги ёшларда ўқитувчилик касбига мойиллик ва иштиёқ кучая бошлаганлиги белгисидир. Шу маънода бўлса керак, педагогика олий ўқув юртларига 23507 нафар абитуриентдан ариза қабул қилинган ва уларнинг 6442 нафари талабалик бахтига муяссар бўлишди.

Муҳсин Муҳиддинов суҳбатимиз сўнгида қўлимга 1999 йилги Республика вилоятларидан олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг ўртача баллари тўғрисидаги маълумотномани узатди. Бухоро вилояти абитуриентларининг 97,00, Тошкент шаҳрининг 94,56, хоразмликларнинг 91,72 балл ва ҳоказо. Рақамлар шу тарифа пасайиб боради. Бундан кўринадики, тест нафақат синов балки вилоятлар кўзгуси ҳамдир.

Ҳа, талабалик кимгадир насиб этди. Кимгадир аксинча. Табиийки, ҳаммани бирваракайига талаба қилиш ҳам аслида мантиққа тўғри келмайди. Бир қадар мураккаб мушоҳадага ундовчи тест саволлари устида бош қотирувчи, унинг моҳиятига тўлиқ етувчи абитуриентларгина бу бахтга, шубҳасиз муяссар бўладилар ва бу улар учун галдаги ҳаёт синовларининг бошланишидир.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
суҳбатлашди

МУҲИМ МАВЗУДА СУҲБАТ

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Фарғона вилояти бўлимининг ташаббуси билан кейинги вақтларда қатор шаҳар ва туманларда ёшлар тарбиясига оид йиғилишлар ўтказиляпти. Ана шундай мулоқот тарзидаги йиғинлардан бири бу гал Бувайда туманининг маркази Янгиқўрғонда ҳамда Бувайда қишлоғида ташкил этилди. Унда жамғарма вакиллари, туман раҳбарлари, таълим тизими мутахассислари, мактаб ўқувчилари, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар, маҳалла оқсоқоллари қатнашдилар. Сўзга чиққан нотиқлардан туман прокурори М. Мунавваров, суд раиси З. Ҳайдарова, бош имом хатиб Шукрулло Ҳожи Сулаймонқулов кабилар ўқувчи-ёшлар ўртасида жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг оқибатлари, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг инсонга таъсири, жамиятга келтирадиган зарари, диний экстремизм, Ислом ва ёшлар сингари мавзуларда таҳлилий фикр юритдилар. Бунда, айниқса, ёшлар тарбиясида оилавий ва маҳалладаги соф маънавий муҳит алоҳида ўрин тутиши таъкидлаб ўтилди. Йиғилишга келганлар мулоқот жараёнида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1999 йил 18 август сонида (2-бетда) берилган «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти»нинг 2-жадвалидаги «20. Соғломлаштириш машғулотлари» бўлимининг «Ҳафталик энг кўп дарслар сони » қаторидаги 6-устундаги 24 ўрнига 34, 7-устундаги 25 ўрнига 35, 8-устундаги 26 ўрнига 36, 9-устундаги 27 ўрнига 37 деб ўқилсин.

ЁШ МУТАХАССИС ИШГА КЕЛГАНДА...

(Боши 1-бетда)

Дилфуза ИКРОМОВА, Сирғали туманидаги 318-боғча-мактаб мажмуасининг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Жамоамиз «Эртаклардан — тараққиётга» шиори остида иш тутади. Бунга барча муаллимлар жалб қилинган. Асосийси, маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор берилмоқда. Мажмуа деворларига табиат манзаралари чизилган ҳамда пешлавҳаларга ҳикматли сўзлар битилган. Уларни ўқиган ўғил-қизнинг беихтиёр эзгу ишларга қўл ургиси келиб қолади.

Ундан ташқари, табиатга меҳр масаласи жамоамизнинг ҳар бир ўқитувчиси эътиборида турибди. Ҳар бир ўқувчининг ўз кўчати бор. «Моҳир қўллар» тўгарагидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Энг муҳими, у ерда таълим-тарбия олаётганлар она тили, инглиз тили, араб тилларини муфассал ўрганиб борадилар. Фикримча, бошланғич мактаблар катта мактаблардан алоҳида бўлгани маъқул экан. Негаки, асосий билим ва кўникмалар бошланғич синфларда шакллантирилади. Демак, бола учун ўқиб-ўрганишдан бўлак ҳеч бир муаммо, яъни психологик тўсиқлар бўлмаслиги керак.

Наима СОДИҚОВА, Ҳамза туманидаги 204-мактаб ўқитувчиси:

— Аслида биз бола руҳиятини англаяпмизми? Бу саволни қўяётганим боиси бор. Жияним ўтган йили мактабга борди. Албатта, эзгу тасаввур билан. Лекин тасаввурлари у кутганича бўлмади. Илм масканида бошланғич синфлар «А», «Б», «В» ларга бўлинганди. Синфларнинг биринчисида аълочилар, иккинчисида яхши ўқийдиганларга, учинчисида эса тушунчаларни яхши ўзлаштирмовчилар, яъни «қолоқ»ларга таълим берилади. Бу йўл тўғрими? Йўқ! Негаки, «қолоқ» бола билаяптики, ота-оналар, мактаб жамоаси унга бошқача назар билан қараяпти. Ана шундан «қолоқ» ўқувчида нафрат пайдо бўлади, мақсадсизлик келиб чиқади. Назаримизда, бошланғич синфдан ўғил-қизларни сен яхши, сен ёмон, деб табақалаб бўлмайди. Мутахассисларнинг фикрича, баъзи ўғил-қизларнинг тушунчаларни англаш қобилияти аста-секин юзага келади. Шу боис иқтидорли болаларга алоҳида мактаб очган маъқул. Шу йўлдан борсаккина яхши хислатли, мустақил фикрлайдиган комил инсонни камол топтирамиз, давлатимиз олдимизга қўяётган вазифаларни уддалаймиз.

Наргиза ЯМИНОВА, Чилонзор туманидаги 4-мактаб-интернат ўқитувчиси:

— Меҳнат фаолиятимни бошлаган кунларим жамоамиз ёрдамга келди. Чунки дастлабки машғулотларда жуда ҳаяжонланган эдим. Кейинчалик кўникиб кетдим. Бу назаримда, жамоадаги қандайдир иликлик, ўзаро муносабатлардаги самимийлик боиси бўлса керак. Очиғи, бизда жисмоний ривожда нуқсони бор болалар таълим-тарбия олади. Улар жуда ақлли, зийрак. Илк кунларданоқ сездимки, улар меҳрга, эътиборга ташна. Баъзан машғулотлар пайтида ўқувчиларим чарчаганини ҳис этаман. Энди дарсларда дам олиш бекатлари жорий қилишни ўйлаб турибман.

Кўриниб турибдики, фикрларда шижоат бор, муҳими, таълимга танқидий ёндашиш бор. Давра суҳбатида Юнусобод туманидаги 122-мактаб ўқитувчиси Назокат Самсакова, Акмал Икромов туманидаги 193-мактаб ўқитувчиси Барно Дадашева, Миробод туманидаги 154-мактаб ўқитувчиси Наси-ба Зокирова ва бошқалар ҳам ўзларини ўйлантираётган муаммолар, шу билан бирга дарсларни жонлантириш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Давра суҳбати жараёнида маълум бўлдики, ёш муаллимлар, кўпгина нашрларга, хусусан, «Маърифат» газетасида чоп этилаётган мақолаларга ҳам бефарқ эмас эканлар. Улар келажакда газета саҳифаларида болалар олами сирлари бўйича психолог мулоҳазалари, илғор муаллимларнинг тажриба ва маслаҳатлари ҳамда намунали дарс тафсилотларини кенгроқ ёритиш истакларини билдирдилар.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Yangicha ish usuli

БУГУНГИ КУН ТАҚОЗОСИ

Бугунги кун замондошларимиздан изланувчанликни, яратувчанлик ва бунёдкорликни, янгиликларни ҳаётга изчил татбиқ этишни талаб этмоқда. Булар мамлакатимизнинг бугунини қудратли, келажагини шавкатли этадиган мезонлардир. Бу талаблар энг муҳим соҳа — таълим-тарбия тизимида янада жиддийлик касб этиши, шубҳасиз.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани маорифчилари айнан ушбу масъулиятни ҳис этиб, ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этишмоқда. Бу ерда ҳаётда ўз аксини топаётган янгиликлар бир талай. Шулардан уч муҳим йўналиш хусусида эса, алоҳида тўхталиб ўтса арзийди. Туман халқ таълими бўлими қошида пойтахтимизда биринчилардан бўлиб, Ташхис маркази ва Мониторинг, Маркетинг бўлимлари ташкил этилган. Ва улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳозирда ўз самарасини бера бошлади.

Мониторинг бўлимида ўқув жараёнини тўғри режалаштириш, дастурларни ҳаётга мослаш, ҳукумат қарорларини татбиқ қилиш, ўқув ишларини таҳлил қилиш ва янгича педагогик технологияларни оммалаштириш каби муҳим вазифалар бажарилмоқда. Ташхис марказида иш юритаётган педагог-шифокор, психолог ва дефектологлар томонидан амалга оширилаётган вазифалар ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Яқинда ташкил этилган Маркетинг бўлими ҳисоб рақамига пуллик ўқишдан, ижарадан, касбга йўналтириш марказларидан, турли кўргазмалардан туша бошлаган маблағ фақат мактаблар эҳтиёжи учун сарфланиши кўзда тутилган. Келажакда эса репититорлик марказлари, пуллик тўгараклар, кичик цехлар ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этиш режалаштирилган.

Айни кунларда давом этаётган болаларнинг ёзги таътилини кўнгилли ўтказиш мақсадида ҳам туманда бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди. Таътил бошидаёқ ҳар бир мактаб қошида ёзги лагерлар ташкил қилиниб, уларга туман бўйича кунига 1200-1300 нафардан болалар жалб қилинди. Болалар учун мактаб кутубхоналари ҳамда маънавият ва маърифат хоналарининг, соғломлаштириш марказларининг мунтазам ишлаб туриши йўлга қўйилди. Туман ХТБ қошида ташкил этилган ёш мутахассислар мактаби ҳам фаолиятини давом эттириб, ёш ўқитувчилар билан доимий алоқада бўлиб турибди. Бу ерда ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратларини ошириш ва айниқса, уларга янги ўзбек алифбосини ўргатиш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Туман ХТБ раҳбари М. Абдалимовнинг таъкидлашича, амалга оширилаётган бу барча ибратли ишларда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан берилаётган маънавий ва моддий кўмак ҳиссаси катта бўлмоқда.

Айни кунларда анъанавий август кенгашига ва янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўраётган туман маорифчиларининг мақсадлари битта: комил инсонни тарбиялаш, ёш авлод онгига Истиқлол ғояларини сингдириш, уларни чинакам ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш. Зеро, юқорида таъкидланганидек, бугунги кунимиз шуни тақозо этмоқда.

И. БЎРИБОЕВ

Айни кунда туман (шаҳар) халқ таълими бўлими тузилмасида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ходимлари ўз ҳудудлари доирасида болалар ривожланишига психологик-педагогик жиҳатдан ташхис қўйиш, уларнинг қобилияти ва мойиллигини аниқлаш, болани 6 ёшдан бошлаб мактабга қабул қилиш тўғрисида тавсияномалар бериш борасида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ҳам ушбу Марказ олиб бораётган ишларнинг натижаси ўз самарасини кўрсатаётир.

— Бизнинг олти ёшлиларни мактабга тавсия этиш комиссиямиз асосан Марказ дефектологи ва врачи билан ҳамкорликда иш олиб бориб, уларнинг ўқишга тайёргарлик даражасини аниқлаш, шунингдек, ақлий ривожланиш ҳамда саломатлик жиҳатларини ўрганган ҳолатда иқтидорлиларини танлашдан иборатдир, — дейди олий тоифали психолог Муҳаррам Ирмуҳамедова.

Суратда: марказ психологи, тажрибали мутахассис Муҳаррам Ирмуҳамедова олти ёшлилар билан суҳбатлашмоқда.

Ta'limdagi fidoiylar

ХАЛҚ УНВОНИ

Самарқандда Иштихон деган манзил бор. Кўп қадим эмаса-да, ҳартугул ўзига яраша мозий машваратига шерик бўлган. Бу ерда яна Зарбанд деган қишлоқ ҳам бор. Қишлоққи, ҳаммақатори. Фақат табиати кўп сўлим. Тўрт тарафдан тоғлар ўркач солиб туради. Гирдогирди зилол чашмалар. Ичари ҳам шундан, экин-тикини ҳам. Зироати токзору ғалла. Халқида ўзбаки самимият зоҳир.

Бу ерда яна Тошпўлат Мавлонов деган бир муаллим ҳам бор. Муаллимки, ҳамма қатори. Фақат, ўз ишига кўп фидоий. Болаларга меҳрлик. Муаллимликни иноят деб билгучи. Қирқ йилки шу касб ранжида андармон.

Қирқ (40) йил. Тўртта ҳарф. Иккита рақам. Оғизнинг бир четидан чиқади. Кўзнинг бир бурчагида жо бўлади. Унинг бутун маҳобатини муаллимнинг ўзи билади. Зил-замбил заҳматлар юки фақат ўзига тушган. Урушдан кейинги йиллар. Қаҳатчилик. Бир бурда нон имон баробари. Шу пайтлар ўқиган, Тошпўлат муаллим. Зоғорани белга тугиб. Самарқанд дорилфунунида. Зарбандликлар ичида кашшоф бўлиб.

Кейин... Кейин Тошпўлат муаллим шундай дейди:

— 1961 йилдан Иштихон туманидаги 8-ўрта мактабда француз тилидан дарс бера бошладим. Ёшман. Ишга чанқоқман. Зўр бериб киришиб кетдим. Назарга тушдим шекилли, 1969 йилда директор ўринбосари этиб тайинлашди.

Бир ривоятни эсладим. Ривоят ҳам эмас, айни ҳақиқат. Дарж этишларича, бир подшоҳ ўтган экан. Анушервони одил деган. Шу ҳукмдор барча вазирларни ўз ишининг устаси бўлган турфа-турфа одамлардан тайин этаркан. Алҳол сабабини сўрашибди. Анушервон айтибди: «Булар хиёнат хаёлига боришмас. Нечукки, бор фикрлари ўз ҳунарларидадир».

Хулоса: касбининг фидоийлари ҳамма замонда четда қолмаган. Тошпўлат Мавлонов ҳам.

Муаллим дейди:

— Орадан тўрт-беш йил ўтди. Оралатиб, тумандаги 41-,8-, 35-ўрта мактабларда директор бўлиб ишладим. Сўнг 66-ҳунар-техника билим юртига раҳбар этиб тайинлашди. 1981 йилда яна 8-ўрта мактабга директорлик қилдим. Шундан буёғига ушбу даргоҳдаман. Сал кам йигирма йил бўлди. Муаллимликнинг юки оғир. Нони ширин. Шу нон билан тўрт фарзандни вояга етказдим.

Тошпўлат Мавлонов жуда камсуқум. Хокисор. Унинг деганларига қўшимча шуки, муаллим ижод билан ҳам шуғулланади. Шеърлари Республика матбуотида мунтазам эълон қилинади. Жамоа тўпламларидан ўрин олган. Яна меҳнати ҳукуматдан эътироф топган. Буни фахр билан тилга олади. Чунки, меҳнатларининг нашидаси. Дарвоқе, муаллимнинг яна битта унвони бор. Жуда катта. Халқ унвони. «Тошпўлат муаллим» деган. Халқ ҳаммага ҳам бермайди, буни. Чунки, унинг юки оғир. Тошпўлат Мавлонов эса кўтарган бу юкни. Муаллимнинг бахти ҳам шунда.

Асқар ШОКИР

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

ЯНГИ ДАРСЛИК БИЛАН ЭСКИЧА ИШЛАБ БЎЛМАЙДИ

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» асарида шундай мисралар бор:

Офаринишдин айлаб
инсон ғараз,
Халқ ичинда они
айлаб беиваз.
Кўксин они махзани
ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзни
пинҳон қилиб.

Мазмуни: Яратилишида Аллоҳнинг мақсади инсон эди. Шунинг учун уни мавжудотлар ичида олий қилиб яратди. Инсоннинг кўксини тилсимли хазина этди-ю, ўзини мана шу тилсим ичига яширди. Кўриниб турибдики, инсоннинг қалби тилсимли хазина, мана шу хазина очилса, инсон ҳақни топган бўлади. Ҳақни топган инсон ўзлигини топади, ўз-ўзини танийди. Ўзлигини топиш ўзгаларни тушунишдан, уларнинг ҳолатини ҳис этишдан бошланади.

Шу маънода янги 1999-2000 ўқув йилидан амалиётга татбиқ этиладиган «O'qituvchi» нашриёти томонидан нашр қилинган 6-синф «Adabiyot» дарслиги мажмуаси ўқувчи қалбининг очилиши учун бир босқич — калит вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, мажмуа унинг руҳиятини, туйғуларини тарбиялаш, мудроқ ҳиссиётларини ҳаракатга, жунбушга келтириш воситаси бўлади, дейиш мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзда тутилган жамият аъзолари маънавиятини соғломлаштириш, ҳур фикрли баркамол инсонни тарбиялаш мақсади дарсликнинг мазмунмоҳиятига, мақсадларига ҳамоҳангдир. Зеро, инсон маънавиятини юксалтириш, уни шахс сифатида шакллантиришда адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Айтиш жоизки, 6-синф «Adabiyot» дарслик – мажмуаси бир қатор хусусиятларига кўра ўзигача бўлган дарсликлардан фарқ қилади. Унда миллий, қардош ва жаҳон адабиётининг бадиий жиҳатдан юксак асарлари, мазкур асарларни ўзлаштириш учун зарур бўлган адабий-назарий материаллар шу ёшдаги ўсмирларнинг руҳий - жисмоний хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг диққатини тортадиган, муайян инсоний фазилатларни шакллантириши мумкин бўлган «Бола – учқур хаёл соҳиби», «Кечаги кун – сабоқ», «Сўзда ҳикмат бор», «Туйғуларнинг камалак ранги» каби рукнларда ўрганилиши кўзда тутилган. Мавзулар соддадан мураккабга тамойилига амал қилинган ҳолда асарларнинг таъсир кучи, тил, тасвирий-бадиий ҳамда жанр хусусиятлари жиҳатидан ранг-баранглигига алоҳида эътибор қаратилган.



Дарслик-мажмуа барча ўқувчиларни бир хил фикрлаш ва ягона хулоса чиқаришга йўналтирувчи илмий-методик мақолалар ўрнига матн юзасидан кўплаб муаммоли саволлар ва топшириқлар берилганлиги билан аҳамиятлидир. «Оқ кема» асари юзасидан 32 та, «Нидо» бўйича 18 та, «Афандининг қирқ бир пашшаси» асари бўйича 33 та, «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси юзасидан 40 та, «Қиссаси Рабғузий» бўйича 13 та ва ҳ.к. савол-топшириқлар тузилган. Бу педагогик ашёлар ўз мазмун-моҳияти билан амалдаги дарсликда берилган савол-топшириқлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Мазкур савол-топшириқлар зиммасига анчагина залворли вазифа юкланганки, матнни ўқимасдан уларга жавоб топиш мумкин эмас. Улар ўқувчиларни мутолаа қилишга, фикрлашга, қаҳрамон ҳолатини ҳис этишга, уни туйғуларидан ўтказишга мажбур этади.

Шунингдек, ўқувчиларда матннинг бадиий жозибасини, сўзлар ботинига яширинган гўзалликни, матн қатидаги адиб шахси, унинг сўз қўллашдаги маҳорати, матн мазмунидаги асосий фикрни англаш, мустақил мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш, фикрни матнга таянган ҳолда асослаш қобилиятини шакллантиради. Масалан, «Зулфия шеърияти юзасидан тузилган «... ёш куйдирган заъфар ёноғим» ташбеҳидаги кутилмаган ифодани топинг», «Гуллар ғунчасини этди чок-чок» мисраси орқали ифодаланган ҳолат ҳақида гапиринг.

«Оқ кема» юзасидан тузилган «Бошқалардан яширинча йиғлаганда пана қиладиган миролжин ўсимлигига боланинг меҳри нега тушган, деб ўйлайсиз?», «Қисса каҳрамони нега яширинча йиғлайди, деб ўйлайсиз?, адибнинг «Мўмин чолни»... камдан-кам учрайдиган бахтли одам эди» дея тасвирлашининг боисини тушунтиришга ҳаракат қилинг».

Дарслик яратилди, у тезда ўқувчи ва ўқитувчилар қўлига етиб боради. Лекин унинг мақсадларини, давр талабини, адабиёт ўқитиш олдида турган вазифаларни тўла амалга ошириш муаллимларимизнинг педагогик маҳоратига, фидойилигига, ташаббускор ва ижодкорлигига боғлиқ бўлиб қолаверади. Аниқроғи, янги дарслик билан эскичасига ишлаб бўлмайди.

Дарслик-мажмуа билан ишлашда ўқувчи ва ўқитувчи эътибор қаратиши лозим бўлган энг муҳим жиҳат бадиий матн билан ишлаш ва асар талқинининг янги тамойилда олиб борилишидир. Бадиий асар ҳар бир ўқувчи томонидан мустақил мутолаа қилиниши, ўзига хос хулосалар чиқарилишига эришилиши муҳим. Ўқитувчи синфда ўрганилган ёки мустақил ўқилган бирор матн юзасидан ўқувчиларга «бу фикр тўғри эмас, мана бундай бўлади» тарзида ҳукм чиқариши ҳақиқатга яқин бўлмайди. Айни бир матнни ўқиган ҳар бир ўқувчи ўзининг ҳаётий тажрибаси, ҳиссиёт олами, ақлий ва ахлоқий мезонларидан келиб чиқиб ҳар хил қабул қилиши ва турлича хулосага келиши адабий таълим учун катта натижа ҳисобланади.

Янги дарсликда давр талабидаги шахсни тарбиялаш учун тўртта муҳим жиҳат асос қилиб олинган. Оддий ўқувчидан мутолаа қиладиган, мутолаа қиладиган ўқувчидан тушунадиган, тушунадиган ўқувчидан таҳлил қиладиган, таҳлил қиладиган ўқувчидан хулоса чиқара биладиган ўқувчини тарбиялаш. Дастур ва дарсликларга киритилган асарлар ҳам мана шу жиҳатларга асосан сараланди.

Назира ҒУЛОМОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

УЙҒОНИШ ДАЪВАТИ

Бундан ўн йил бурунги авлоднинг ўз қўшиқлари бўларди. Ғоятда гўзал ва ғоятда ёлғон қўшиқлар. Улар тиззасигача лойга ботиб, пахта эгатлари аро «бахтли коммунизм» сари боражакларини жўшиб куйлашарди. Начора, улар шундай куйлашга маҳкум эдилар. Бу маҳкумликнинг бир мудҳиш сири бор эди. Бизда болаларимизни уйғотувчи, ўзлигини англатувчи восита кам эди. Хўш, бу восита нималардан иборат бўлиши мумкин?

Дейлик, мана сиз суратини кўриб турган, олтинчи синфлар учун она тили фани дарслигини («Ўқитувчи» нашриёти. 1999 йил. 200000 нусха) олиб кўринг. Сиз ҳали дарсликнинг ичига кирмай туриб, муқовада шундай сўзларни ўқийсиз: «Истиқлол абадий халқим!» - дегандек,

Юртдошларга боқиб турар Навоий».

Дарҳақиқат, китобнинг юзида ҳазрат Навоий ушбу мажмуани ўқимоқчи бўлган ҳар бир набирасига ўша мангу даъватини боз айтиб тургандек:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин...

Дарсликни варақлар экансиз, муаллифларнинг яна бир муваффақиятига дуч келасиз. Яъниким, ўқувчига адабиётимизнинг етук намоёндалари ижодидан намуналар бериш орқали керакли мавзулар тушунтирилган. Ва бу намуналар мавзуга қараб танланган. Бу ҳолат ҳам дарслик муаллифларининг (муаллифлар Й.Абдуллаев, А.Ғуломов, З.Маъруфов, М.Омилхонова) кўп изланганидан нишона бериб турибди.

Хуллас, биз дарсликка баҳо бермоқчи эмасмиз. Чунки унинг ҳақиқий баҳо берувчилари, одил ҳакамлари бошқалар. Китобнинг улар ҳукмини эшитишига ҳам саноқли кунлар қолди. Бизнинг демоқчи бўлганимиз эса, мақоламиз ибтидосида айтганимиздек, ҳар бир фаолиятимиз болаларимизни ўрганишга, интилишга, уйғонишга даъват этиб турсин.

Алишер НАЗАР

Истиқлол қаҳрамонлари

Маҳмудхўжа

Беҳбудий

Таниганин асарлар

ИСТИҚЛОЛ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Миллатнинг миллат сифатида тан олинишининг шартларидан бири — ҳурлик, озодлик, эркинлик. Билъакс, миллат парокандалигу йўқликка юз тутади. Яқинда ҳорижда бир киши айтибдики, Ўзбекистон тинч йўл билан истиқлолни қўлга киритди, деб. У фаҳми ноқис билмайдики, мустақилликни ҳеч замонларда оғизга ошатиб қўйишмаган. У англамайдики, озодлик — курашлар пироварди. У яна эшитмаганки, Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун неча-неча забардаст аждодлар қурбон кетган. Бугунги кун учун умри-жонини бахшида этган.

Юртбошимиз мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, меросини чуқур ўрганиш бўйича жамоатчилик комиссияси тузиш тўғрисида Фармойиш чиқарган эдилар. Бу энг улуғ ва савобли ишлардан бўлди. Бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Маънавият» нашриёти «Истиқлол қаҳрамонлари» рукни остида қатор китобларни нашр эта бошлади. Жумладан, яқинда мазкур нашриёт Маҳмудхўжа Беҳбудий танланган асарларининг тўлдирилган иккинчи нашрини босмадан чиқарди.

Ўзбек жадид адабиётининг асосчиси, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳнамоси бўлмиш Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ушбу «Танланган асарлар»ига «Падаркуш» пьесаси, Шарқ мамлакатлари бўйлаб қилган сафар хотиралари, маориф ва маданиятимизнинг хилма-хил муаммоларига бағишланган мақолалари ва бошқа асарлари киритилган.

«Маҳмудхўжа Беҳбудий уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўринни олурга лойиқ зотдур», — дейди Ҳожи Муин. Китобни ўқисангиз бунга яна амин бўласиз.

А. ШОКИРОВ

ЗУЛМАТДАГИ НУР

(Болалик хотираси)

Дадамиз Рамазон Аҳмад ўғли қуюниб: «Бу шўро замони ҳаммамизни саводсизга чиқарган эди. Араб ҳарфида ўқиган, арабчани билганларни саводлилар сафига қўшмаган. Руслар ҳукмрон бўлгани учун янгича мактабда саводи чиқмаганлар, жумладан, менга, бувингга, онангга ўхшаганларни ҳам саводсиз дейишган», дердилар. Камина ҳам мактабда ўқиб юрган кезлари шу ҳақда кўп ўйлардим. Кейинчалик Марказий архив манбаларини варақлаганимда араб алифбосида ўқиганлар саводсизга чиқарилганига гувоҳ бўлдим. Маълумотларда халқимизнинг 98 фоизи саводсиз дейилганига ўша пайтларда ҳам ҳеч ким ишонмасди. Ҳозирга келиб аслида бунинг акси бўлгани маълум бўлиб қолди. «Йўқ, аслида икки фоиз аҳоли саводсиз эди», деган ҳақ гаплар фақат мустақилликка эришганимиздан кейингина ошкора айтилди.

Оила бошлиқларимиз илмга интилувчан, саводли бўлишган, кечалари алламаҳалгача китобхонлик қилишаркан. Катта бувам Исмоил, ўғиллари Аҳмад, Маҳамат, Ҳолмуҳаммад араб, форсий тилларда бемалол китоб ўқишаркан. Дадам Рамазон Аҳмад ўғлининг ҳам саводи эски мактабда чиққан.

Бувамиз Аҳмад Исмоил ўғли қиш пайтлари уйга турли ўқимишли одамларни чақириб, китобхонлик қилярканлар. Бувим Тожинисо қизлари Зебунисо, Тўланнисонинг саводи чиқишига ўзи бош-қош бўлган эканлар. Шўро замонининг мудҳиш кунларини ҳикоя қилиб, қуюниб қўярдилар. Айтишларича, хонадонларда сандиқ-сандиқ китоблари бўлган, бироқ одамлар кимнинг уйидан эски араб ҳарфида китоб чиқса қамалиши ва жазоланишидан қўрқишиб, кечалари Қорақамиш бўйларига, жарларга ташлаб кўмиб келишган.

Саксонинчи йиллари йўлим Зангиота туманидаги балиқчилик хўжалигига тушганда, бир тепаликни кўргандим. Чакалакзордаги буталарга оқ, қизил, кўк латталар боғлаб қўйилибди. Бир гуруҳ олимлар ўша жойни текширишганда бу жой китоб мозори эканлиги маълум бўлиб-ди. Бундай китоб мозорлари бошқа жойлардаям бўлганига ишонмоқ керак.

Дадамиз ривоят, эртак, достонларга ниҳоятда уста эдиларки, уларни соф адабий тилда аниқ қилиб тушунтириб беардилар. Гаплари кишининг завқини қўзғар, эшитиб зериқмасдик. Тошкентдан қувғин қилингач, кўчиб- кўниб юрарканмиз, мактабсиз қолаётганимиздан дадам хавотирга тушиб, қаерлардандир излаб, суриштириб эскича ўқиган қориларни топиб, уйимизга таклиф этарди. Кимда яхши адабиётлар (достон, эртак, роман, қисса) бўлса, олиб келарди. Бўри қори, Воис қори, Туркистон қори, Сариқ қори ва бошқалар уйимизга келишганди. Араб ҳарфларида китоб ўқийдиган бўлдик. Чекка жойда яшаётганимиз учун бу ишларимизни шўро айғоқчилари билмасди. Воис қори: «Тарихни билмаган саводсизликда қолаверади. Ҳамма ҳаёт жабҳалари ана шуларда, ўғлим» дердилар насиҳат қилиб.

Ҳа, дадамнинг умрларининг охиригача китобхонликни канда қилмаганлари барча оила аъзоларимизга ижобий таъсирини қолдирди.

Шу боис, қаерда бўлмайлик, илм-маърифатдан баҳра олиб, маънавий жиҳатдан анча бойиган инсонлар қаторига қўшилдик.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Бадиий Академиясининг аъзоси, санъатшунослик институти илмий ходими

«БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ БИТТА»

Бу Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти Бош директори, профессор Карим Норматовнинг фикри. У киши ўз фикрини тўлалигича шундай изоҳлади: «Бугунги кунда барча юртдошларимизнинг, қайси соҳада меҳнат қилмайлик, барчамизнинг бирламчи мақсадимиз, вазифамиз битта – мустақил мамлакатимиз келажаги ҳисобланмиш ёш авлод таълим-тарбиясини уюшқоқлик билан ташкил этиш. Уларнинг чинакам баркамол авлод бўлиб вояга етишларига ҳаракат қилиш». Хўш, бу борада Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан нима ишлар қилинмоқда ва қандай ишлар қилинмоқчи? Нашриёт Бош директори К. Норматов бу хусусда бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ёш авлод таълим-тарбияси барчамизнинг биринчи навбатда ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифамиз эканлигини нашриёт жамоаси жуда яхши англаган ҳолда, бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Бу борадаги ишлар айниқса, сўнгги пайтларда янада жонлантирилди. Нашриётимиз адабиёт ва санъат нашриёти бўлганлиги учун ҳам, аввало, ушбу соҳа бўйича ўқув дарсликларини чоп этишни режалаштирдик. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда «Ўзбек адабиёти тарихи» (30 босма табоқ, 10 минг нусха), «Адабиёт назарияси» (8 босма табоқ, 10 минг нусха), «Тилшуносликка кириш» (10 босма табоқ, 10 минг нусха) каби олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган ўқув дарсликлари чоп этилиш арафасида турибди. Нашриётимизнинг тажрибали ходимлари ушбу дарслик ва қўлланмаларни чоп этишни ўз зиммаларига олар экан, аввало, унинг сифатли, безакли ҳамда чидамли ва арзон ҳолда чиқишига катта эътибор қаратмоқдалар.

Бундан ташқари, ўрта умумтаълим мактабларининг 1-6-синф ўқув дарсликларига асарлари киритилган шоир ва ёзувчиларнинг портретларини ҳам нашрга тайёрлаяпмиз. Булар сафида машҳур адибларимиз Абдулла Авлоний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар номини санаб ўтишимиз мумкин. Ушбу портретплакатларнинг ҳар бири янги ўзбек алифбосида маълумотномалар билан бойитилмоқда. Мактаб кутубхоналарида айни кунда янги алифбодаги ёрдамчи бадиий адабиётларнинг камлигини ҳисобга олган ҳолда, бир гуруҳ олимлар, шоир ва ёзувчилар билан суҳбат ўтказиб ҳамда республика Ёзувчилар уюшмаси билан келишиб «Мактаб кутубхонаси» туркумида чоп этиладиган китоблар режасини тузиб чиқдик. Шунингдек, «Ўзбек мумтоз адабиёти», «ХХ аср ўзбек адабиёти», «Жаҳон болалар адабиёти», «Ватан ҳақида ҳикоялар», «Аждодлар ёди», «Эл севган санъаткорлар», «Табиатни севасизми?», «Осори атиқалар», «Жониворлар оламида», «Бор эканда, йўқ экан» сингари туркумларда ҳам ёш авлод таълим-тарбияси учун зарур бўлган бадиий, тарихий ва маданий адабиётларни нашр этишни режалаяпмиз. Турли соҳалар бўйича алоҳида луғатлар чоп қилиш ҳам режамизда бор. Айни дамда ушбу режаларимизнинг илк самараси сифатида миллий болалар ўйинлари жамланган «Читтигул» ҳамда ўзбек халқ ижодидан намуналар тўпланган «Ой олдида бир юлдуз» тўпламлари янги алифбода нашр этилиш арафасида турибди. Ўйлаймизки, мазкур китоблар болажонларимизга ажойиб тортиқ бўлади.

Айни вақтда Халқ таълими вазирлиги қошидаги республика Таълим маркази билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлигимиздан мамнунмиз. Улар билан ҳамкорликда А. Мансуров, У. Жўраев, М. Лафасовлар ҳаммуаллифлигидаги «Ҳадис илми сабоқлари» ва М. Лафасов, Ғ. Ҳотамов, А. Умаровлар ҳаммуаллифлигидаги «Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи ва бугунги хавфи» номли махсус курс қўлланмаларини чоп этар эканмиз, асосий мақсадимиз ёшларни ватанпарвар, одобли, ахлоқли, ҳар қандай ёт таъсирларга берилмайдиган илмли инсонлар қилиб тарбиялашга ҳисса қўшишдир.

Шу ўринда бошланган яна бир хайрли иш хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Бу ҳам бўлса, нашриётимиз ташаббуси билан мактаблар кутубхоналарини адабиётлар билан таъминлаш мақсадида вилоятлар ҳокимликлари билан шартномалар тузилаётганлигидир. Ушбу ташаббус Давлат матбуот қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Унга кўра, маҳаллий бюджет ҳисобидан мамлакатимиздаги ҳар бир мактаб кутубхонасига адабиётлар харид қилиш учун ўн минг сўмдан маблағ ажратиш кўзда тутилган. Яқинда биринчилардан бўлиб Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан ушбу мақсадда беш миллион сўм пул ажратилганлиги хусусида ахборот олдик. Ўйлайманки, мазкур маблағлар эвазига мактаб кутубхонасини бойитадиган энг янги адабиётлар болаларимиз учун ажойиб совға бўлади ва улар тарбиясига самарали таъсир этади.

Қисқача қилиб айтганда, бугунги кунда ёшларимиз тафаккурини маънавий бойитиш, уларнинг китобга бўлган чанқоқлигини қондириш ва шу орқали улар тарбиясига ижобий таъсир этиш бизнинг бош мақсадимизга айланиб улгурган.

Қуйида F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бугунги куни, фаолияти билан танишасиз.

МАНЗУР БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти халқимизнинг қадимий, адабий ёдгорлиги — «Темур тузуклари» асарини рус тилида чоп этди. Ҳамидулла Кароматов таржимаси билан нашр этилган ушбу китоб сўз бошисида академик Бўрибой Аҳмедовнинг ёзишича, илгариги таржималар ҳаваскорлик даражасидаги ишлар бўлиб, оригинал матндан фойдаланилмаган эди. Рус тилига янги таржима — «Уложения Темура» да аввалги камчиликлар муаллиф томонидан бартараф этилган. Бу, ўз навбатида матндаги тарихий ахборотлар ҳаққонийлиги ва улардан тўғри хулосалар ясаш имконини беради. Ўқувчи тарихимизга оид фактларга бой материаллар орқали Амир Темур давлатининг маданий, дипломатик ва иқтисодий аҳволи билан яқиндан танишиши мумкин.

Шунингдек, нашриёт Суҳроб Муҳаммедовнинг «Блеск ложной звезды» номли эмонамиз воқеликларига бағишланган романини чоп этиш арафасида турибди. Роман воқеалари марказида яқин ўтмишдаги чиркин тузумнинг инсон тақдиридаги акси намоён бўлади... Бу сингари нашриётимизда чоп этилган ва этилаётган асарлар ўқувчиларга манзур бўлади, деб ишонамиз.

Б. ГОЛЕНДЕР,
муҳаррир

БИРЛАМЧИ МАҚСАДИМИЗ – ТАРБИЯ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида халқимиз маънавиятини бойитадиган, замонага ҳамнафас, бадиий баркамол китоблар чоп этишга ҳаракат қилмоқда.

Шу мақсадда нашриётимиз ҳозирги кунининг долзарб мавзуи бўлмиш ёшлар тарбиясининг комиллашувига ёрдам берувчи адабиётлар нашр этишни ўз олдига бирламчи мақсад қилиб қўйган. Шу ўринда нашриётимизда нашрга тайёрланаётган Абдурашид Нурмуродовнинг «Нурафшон ёғду» номли воқеий романини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Адиб ўз китобини мамлакатимизда содир этилган 16 февраль воқеаларига муносабат билдириш асосида бошлаб, озод ва обод Ватанимиз тарихи, мустақилликка эришгунгача тортган азоб-уқубатларимиз, мустақиллик шарофати билан ёруг, нурафшон кунларга эришганлигимизни тарихий фактлар асосида бадиий тасвирлаб беради. Халқимизнинг шукронасини романнинг ҳар бир сатрига сингдиради. Мактаб ўқувчиларига ёрдамчи адабиётлар чиқариш борасида ҳам нашриётимизда яхши ташаббус бошланди.

Шу маънода мумтоз адабиёт вакиллари ҳамда болалар ёзувчи-шоирларининг ватан, она-юрт ҳақидаги ҳикоя, шеър, ҳикматлари чоп этилиш арафасида.

Жумладан, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларини, Маҳкам Маҳмудовнинг «Мовароуннаҳр юлдузлари» номли тарихий мавзудаги ҳикояларини, Миразиз Аъзамнинг «Энг ёруг юлдузларим» номли мактаб саҳнаси учун мўлжалланган пьесаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Маҳкам Маҳмудов Амир Темур бобомизнинг ёшлиги, Чингизхон ҳақида, аллома Беруний бобомиз ҳақида ҳикоя қилса, М.Аъзам пьесаларида улуғ аллома Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий ҳамда Темурийлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Умуман нашриётимизда кейинги пайтларда ижодий муҳит соғломлашиб, яхши-яхши китоблар нашр қилиш йўлга қўйилмоқда.

Ҳикоят МАҲМУДОВА,
1-тоифали муҳаррир

ЖАМОАДАГИ ЖОНЛАНИШ

Очиғини айтсам, нашриётимиз ходимларининг бугунги кайфияти кўтаринки руҳда. Муаллифларнинг ҳам нашриётимизга ташрифи жонланиб қолган. Ҳар бир муаллиф нашриётимиздан хурсанд бўлиб чиқиб кетяпти десам, янглишмайман. Чунки биз муаллифларга китобларини арзон нархда чоп эттиришларида қўлимиздан келганча кўмаклашяпмиз. Ва ўзимиз ҳам муаллиф бизга қачон қўлёзма олиб келаркин, деб қўл қовуштириб ўтирмасликни олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйдик. Директордан тортиб мусаҳҳиҳгача буюртмачиларни топиб, уларнинг кўнглидагидек китоб чиқариб бериш хаёлимизда турган биринчи масала.

Бозор иқтисоди ишёқмасликни, боқибеғамликни, «олма пиш, оғзимга туш», деб ўтиришни ёқтирмайди. У ишбилармонликни, пок фикрлар билан ўтдай чақнаб туришингни, тезкор ҳаракат қилишни, оёқ-қўлли бўлиб иш юритишни талаб қилади.

Режаларимиз улкан. Аввало нашриёт академик шоир Ғафур Ғулом номида бўлганлиги учун ҳам, аввало аллома шоиримизнинг руҳини шод этиб, қолаверса, Ғафур Ғулом асарларини соғиниб қолган ўқувчиларга туҳфа бўлсин деган ниятда Ғафур Ғуломнинг қисса ва ҳикояларини чоп этиш борасида ишлар бошланиб кетди.

Улуғ саркарда ва давлат арбоби Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишлаб тарихчи олим Жумабой Раҳимовнинг «Туроннинг шерюрак баҳодири» китобини ўқувчиларга тақдим этамиз. Ниятимиз Ватанимизда ўсиб-улғаяётган ҳар бир фарзанд Жалолиддин Мангубердидек жасур, мард ўғлон бўлиб етишсин, унинг жасорати ёшларимизга катта мактаб бўлсин, юртига содиқ инсон бўлиб етишсин.

Шоира Турсуной Содиқова қаламига мансуб «Ҳазрати аёл» китоби «Аёллар йили»да аёлларимизга катта совға бўлиши, шубҳасиздир. Бу китобда тажрибалар баҳам кўрилади. Қўйинги, қаётнинг, оиланинг табарруклигини англаш ва унга риоя қилиш учун баъзан нималарга чидаш зарурлиги, нималардандир кечиш ҳам кераклиги далиллар воситасида баён этилади. Кенг китобхонларга мўлжалланган бу китоб ўрта мактаблар, коллежлар ва лицей ўқувчиларига ўқув қўлланмаси сифатида ҳам тавсия этилади.

Келажак авлод нашр этган китобларимиздан маънавий озиқ олиб, тафаккурларини бойитсалар, бизнинг орзуларимиз ушалган бўлар эди.

Шу ўринда яна бир гап. Бугунги кунда турли китобларга ҳомийлик қилиш истагида юрган ҳамюртларимиз сони ошиб бораётганлиги қувончлидир. Тарихимизга назар ташласак, маърифатпарвар ватандошларимиз савоб учун нафақат масжидлар ёки йўл ва кўприклар қурган, балки китоблар ҳам нашр этганлар. Шунинг учун катта-катта маблағлар ажратганлар. Мен бугунги кунимизда, замондошларимиз орасида ҳам китоб чиқаришга, ёхуд мактаблар кутубхоналари учун, болалар учун қўллаб китоблар, харид қилиб туҳфа қилишга маблағ ажратадиган маърифатли кишиларимизнинг кўпайишини жуда-жуда истардим. Ахир, бу ҳам катта савобку!

Назира ЖЎРАЕВА,
нашриёт бош муҳаррири

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Маълум мавзу тафсилотлари ва воқеалар баёни ҳақидаги китоблар тури беҳисоб бўлганидек, китобхонларнинг ҳам тоифалари беадад. Ҳар соҳада бўлганидек, китобхонлик ҳумори билан нафас оладиганлар ҳам озмунча эмас. Кимдир ашаддий китобхон, китобни ямламай ютадиган хилидан. Биров шунчаки китобхон — қўлига тушиб қолган китобнинг саҳифаларини ўйқусираб варақлайди, ўқиганн ўша заҳотиёқ хотиридан кўтарилиб кетади. Яна бир хиллар воқеаларни билиб олса бас, кимлар эса китобдан ниманидир ўрганай, ибрат олай деб ўқийди, китоб қаҳрамонлари билан бир тан-бир жон бўлиб кетганга ўхшайди. Бироқ инсон ўз умрининг тўрли босқичларида ўз руҳиятига малҳам бўладиган, кўнглига ўтиришадиган китобларни излайди. Аввал қандайдир бошқача кайфиятда бўлиб ўқиганн учунми ёки шу китобдан хотирасида қолган айрим воқеалар ёки қисматлар ўз ҳаётида кейинчалик содир бўлганданми, беихтиёр яна шу китобни қайта ўқишга ўзида эҳтиёж сезиб, уни такрор ўқийдиганлар ҳам бор.

Менинг назаримда, ҳар бир авлод севиб ўқийдиган китоблар бўлади. Бу деганимиз, қўлдан-қўлга тинмай ўтиб турадиган китоблар маълум вақтда эскириб, титилиб ёки йиртилиб кетади, бу истисносиз ҳол. Лекин китоблар, айниқса бадиий китоблар ҳар йили қайтадан нашр этилмайди-ку. Бу эса ҳоҳланг-ҳоҳламанг, китобхон эҳтиёжи билан китоб нашри имкониятлари икки қутбга айланиб қолади, деганимиздир.

Шоирчилик тажрибасида буни яққол кўриш қийин эмас. Иккн жилдда биринчи марта нашр этилган «Ўзбек халқ эртаклари»нинг қайта нашр этилиши учун қариб қирқ йил талаб қилинди. Бундан ташқари, Абдулла Қодирий асарларининг ёзувчи оқланганидан кейин шошилинч нашр этилиши билан уларнинг аслидагидай қилиб чоп этилиши орасида ҳам катта узилиш бўлгани сир эмас.

Биргина мисол. Бизнинг авлод, биздан олдинги ва кейинги авлод ҳам рус шоир ва ёзувчиларининг, олайлик, жаҳон адабиёти дурдоналаридан ўрин олган Александр Сергеевич Пушкин асарларини мактаб дастури қамровидагина эмас, ундан кенгроқ қўлларда ўқиб-ўрганганлигимиз рост. Ўйлаймизки, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Чунки инсоният маънавиятини бойитишга хизмат қиладиган, инсонни юксак ғояларга, курашчанликка ундайдиган адабиёт намоёндалари ижоди учун миллат ёки ҳудуд деган тушунча бўлиши мумкин эмас. Янглишмасам, кейинги йигирма йиллар ичида «Евгений Онегин» шеърий романининг Мирза Кенжабек томонидан ўзбекчага қайта ўгирилганидан (бу роман ва олий ўқув юртлари талабалари учун қунгилдагидай совға бўлди.

Нашриётимиз буюк аждодларимиз томонидан яратилган ва ҳалигача қўлёзмалар фондларида сақланаётган ёки кам ўрганилган тарихий манзулардаги қўлёзмаларни топтириб, чоп этиш йўлида ҳам саъй-ҳаракатлар қилмоқда.

Нашриёт жамоаси бугунги кунда юзага келган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш йўлида изланмоқда, харидорлар дидига ва талабларига жавоб бера оладиган, иқтисодий ислоҳотларнинг турмушга тадбиқ этилишига ёрдам берадиган турли жанр ва қуринишдаги китоблар ва матбаа маҳсулотларига буюртмалар қабул қилмоқда. Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади, деган ҳикмат бор. Ҳаракат икки томондан — аввало, ноширлардан ва кейин иккинчи томон — буюртмачилар-ўқувчилардан бўлишига умид боғланмоқда. Бақамти равишда, ўйлаб тузилган режалар ва шартномалар асосида ишлаш масъулияти олдиндаги муаммоларни албатта ҳал қилади, деб ишонамиз.

Жонибек СУБҲОН,
нашриётнинг етакчи муҳаррири

Sport maydonchasi

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» — 99

11 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг «Юнусобод» теннис кортларида теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири бошланади.

НАВБАТДАГИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Олий табақа футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг 19-турида тўртта ўйин ўтказилади. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:
«Сўғдиёна» — «Хоразм» - 2:6,
«Нефтчи» — «Зарафшон» - 2:0,
«Темирйўлчи» — «Сурхон» - 0:5,
«Металлург» — «Бухоро» - 1:0.

ТЕНГСИЗЛИГИ ТАН ОЛИНДИ

Цинцината (АҚШ) да якунланган йирик теннис мусобақасида дунёнинг 1-ракеткачиси америкалик Пит Сампрас дунё таснif жадвалидаги карвонбошиликни ҳеч кимга бермаётганлиги бежизга эмаслигини кўрсатиб, ишончли ғалабага эришди. Бу унинг йирик турнирлардаги 60 -ғалабаси бўлди.

ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Қибрай туманида шахмат бўйича Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланиб ўтказилган халқаро турнир ўз поёнига етди. Кескин курашларга бой бўлган бу мусобақада 9 имкониятдан 8 очко тўплаган Акром Тошхўжаев ғолиб бўлди.

АЙРИЛИК

Дунё спорт аҳли катта йўқотиш арафасида. XX асрнинг энг кучли аёл теннисчиси германиялик Штеффи Граф яқин кунларда севимли машғулоти билан хайрлашажагини эълон қилди. 17 йиллик фаолияти давомида у турли нуфуздаги турнирларда жами 107 марта ғалаба қозониб, мухлисларга бетакрор «теннис спектаклари» ни ҳадя этганди.

«Sog'lom avlod uchun»

ДАСТУР БИЗНИ БИРЛАШТИРДИ

Ўтган ўқув йили бошларида мамлакатимизда биринчи марта (тажриба тариқасида) «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!» мавзусида ёшлар учун таълим-тарбия дастури амалга оширилган эди. Бу ҳақда газетамиз муштарийлари маълумотга эга бўлса-да, ушбу лойиҳа бўйича иккинчи босқич ишлари давом этаётганлиги боис, бу масала хусусида яна фикр юритишга жазм этдик.

Дастурдан кўзланган мақсад — ўсиб келаётган ёш авлодда ижтимоий билимларни шакллантиришга, ижтимоий муаммоли масалаларни тўғри ҳал этишларига ёрдам беришдан иборат. Шу боис, бу лойиҳа атрофида Республика Халқ таълими вазирлиги, «Оила» илмий - амалий маркази, «Камолот» ёшлар жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси ҳамда ЎзБАТ корхонаси каби муштарак мақсадлар йўлида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар бириккан. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ушбу йўналишда тажриба базаси ва шарт-шароитлар, методик асослар ҳамда иш олиб борувчи ўқитувчилар тайёргарлиги каби масалаларда бош-қош бўлди. Шунингдек, «Камолот» республика ёшлар жамғармаси ўз ишини бевосита ёшлар ва ўсмирлар билан бирга олиб борар экан, мазкур ғояни қўллаб-қувватлади, амалий фаолиятга киришди.

Ушбу фаолият юзасидан қилинган ишлар ва эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш, келгуси режаларни амалга оширишда аниқ фикрлар билан қатнашиш мақсадида пойтахтимизда семинар учрашувлари бўлиб ўтди. Анжуманларда республикамизнинг деярли барча вилоятларидан тажриба-синов дастури бўйича иш олиб бораётган ўқитувчилар, дастур ҳомийлари ва мутахассислар иштирок этишди. Семинарнинг сўнгги иш куни А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ да уюштирилиб, унда Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов иштирок этди.

Семинарда 24 соатлик дастурнинг ўрта умумталим мактабларида қўлланилишининг асосий сабаблари, унинг моҳияти ва ушбу жараёнга ёндашиш услублари хусусида қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. Бундан ташқари «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!» деган жумла негизида шахснинг ажралмас сифатлари, бурч ва масъулият ҳамда интилишлар муштараклиги сари етакловчи таълимий-тарбиявий машғулотлар борасида тажрибалар алмашилди.

Тажрибалардан аён бўлдики, машғулотлар ўқувчиларда «шахс бўлиб туғилмайдилар, балки шаклланадилар» деган фикрни ҳис қилишга ёрдам бермоқда. Чунки инсон саломатлигига, маънавий руҳий оламига путур етказадиган, ҳар қандай одат — иллат эканлиги, қолаверса, энг катта жиноятлар, қонунбузарликлар ҳам кичик-кичик иллатлардан етилиб чиқиши дастур орқали ўқувчиларнинг ўзлари иштирокида таҳлил қилинади. Масалан, «Ёшлик - ҳаёт лаззати ва ҳар қадамдаги кашфиёт. Лекин бу бошқалар қилган ишни қил дегани эмас. Мисол учун, чекишни ўрганиш!» дея мурожаат қилади дастур ўз қатнашчисига. Дарҳақиқат, чекишга ўрганиш одамни аста - секин ичкилик ва бошқа иллатлар сари етаклайди. Натижада, кўпгина инсоний туйғуларга шикаст етади. Бу борада ҳам дастур ўз таъсирига эгаки, машғулотларда иштирок этган ёшлар атрофидагиларнинг қайси хислатларига ҳавас билан ва қай сифатларига нафрат билан қарашни онгли равишда фарқлай оладилар. Энг асосийси, ёшлар соғлом турмуш тарзи — узоқ умр кўриш, тўлақонли ҳаёт чашмаларидан баҳра олиб яшаш, имкониятдан унумли фойдалана билишдан иборат деган фикрни эътироф этаётганидадир.

Ф. КАРИМОВ

Maktabgacha ta'lim

СОҒЛОМ ФИКРЛИ ШИРИНТОЙЛАР

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси жажжи кичкинтойларнинг севимли масканларидан бири ҳисобланади. Муассасада 8 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 220 нафар, бошланғич синфларда эса 130 нафар ўғил-қиз таълим олаётир. Дилбандлар гўлшанида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш борасида талайгина ибратли тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳорижий давлат таълим усуллари — ТРИЗ ҳамда Мария Монтессори методи асосида ўтказилаётган машғулотларда нуридийдаларга математик тасаввур ҳамда бадиий нутқни ривожлантириш, илк иқтисодий тушунчалар бериш, экологик таълим, ҳозирги ўзбек ёзуви қўриниши, товуш маданияти, жисмонан бақувват ва ақлий ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Илк ёшдан бошлаб кичкинтойларнинг ёшига мос мужассам машғулотлар олиб борилади.

Мазкур муассасада бошланғич таълим корейс тилига йўналтирилган. Ўқувчиларга тажрибали ўқитувчи Ирина Тян корейс тилидан сабоқ беради. Ширинтойлар рус ҳамда инглиз тилини ҳам қизиқиб ўрганмоқдалар. Инглиз тили тўғараги раҳбари Клара Музаффарова болажонлар билан ҳафтада икки марта машғулот ўтказаётир. Шунингдек жажжилар масканида каратэ, қўғирчоқ театри, моҳир қўллар, тўқиш; алоҳида спорт залида эса шахмат-шашка, теннис тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатаяпти. Нуридийдалар ўзлари қизиққан тўгаракларда иштирок этмоқдалар. Яқин кунларда қизларга попода гул босишнинг нозик сирларини ўргатиш режалаштирилган.

Айни кунларда маънавият ва маърифат бўйича муассаса раҳбари ўринбосари Марғубахон Мирқосимова, мусиқа раҳбари Гулнорахон Иброҳимовалар раҳнамолигида истеъдод ғунчалари мустақилликнинг 8 йиллигига бағишланган байрам эрталигига қизғин ҳозирлик кўраётирлар.

— Боғча-мактабнинг мақсади, - дейди муассаса раҳбари, халқ таълими аълочиси Азиза Бўрибоева, — таълим пойдевори бўлмиш бошланғич таълимни мустаҳкам бериб, ўрта таълимга тайёрлашдир. Бу даврда бола ўзини мустақил тутиш, ўзаро ҳурмат қилишни ўрганиб олади. Энг асосийси, тарбиячилар ўқитувчилар билан ўзаро ҳамкорликда муносабат юритадилар. Бошланғич синфлар тажрибаси асосида боғча гуруҳларида нималарга кўпроқ аҳамият бериш лозимлигини тушунадилар ва амалда тадбиқ этадилар.

Тажрибали мураббийлар Наргиза Шомансурова, Мактура Жўрабоева, Сурайё Алимовалар ранг-баранг, ноанъанавий мужассам машғулотлар ўтиш билан бирга мурғаклар қалбига ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, қадриятларини ҳам сингдираётирлар.

Масканда гуруҳлараро турли хил мусобақалар, танловлар ўтказиб турилади. Яқинда тайёрлов ва катта гуруҳ қизлари иштирокида «Жажжи гўзал» танлови бўлиб ўтди. Унда тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиси Мадина Илёсова танлов ғолиби бўлди.

20 нафар иқтидорли, истеъдодли ўқувчилар мусиқа мактабида ҳафтада бир марта (тўгарак сифатида) мусиқадан таҳсил олмоқдалар. Улар миллий чолғу асбоблари — дутор, рубоб, доира ҳамда пианино чалишни ўрганаётирлар.

Кичкинтойлар масканига «Шарқ гули» акционерлик жамияти ҳамда ота-оналар ҳомийлик қилишмоқда.

— Ширинтойларнинг бўш вақтини қизиқарли, мазмунли ўтказиш учун машғулотларни ноанъанавий тарзда ўтказаман, - дейди Севара Шорахмедова. — Менга ТРИЗ усули жуда ёқади. ТРИЗ ихтироли масалалар ечимини топиш демакдир. Мазкур усулни математика, бадиий адабиёт, нутқ ўстириш, теварак-атроф ва табиат билан таништириш, расм машғулотлари ҳамда сайр вақтларида қўллайман.

Дарҳақиқат, мураббий болажон, маданиятли, ҳар соҳада мукаммал инсон бўлмоғи лозим. Шундагина улар қўлида тарбияланган фарзандлар билимдон, халқпарвар, ватанпарвар, соғлом фикрли бўлиб улғайиб, келажаги буюк давлатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшадилар, деб умид қиламиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Xullas...

МУХЛИСНИНГ БАХТИ

Машҳур шахсларнинг суҳбатини олиш ҳам маълум маънода омад белгиси. Татар шоири Абдулла Тўқайни биласиз. Қозон шаҳрида яшовчи пенсионер Ҳожи Сальмушев уни кўриш бахтига муяссар бўлганлардан.

Ҳожи бобо 106 ёшда. У Абдулла Тўқай билан ўсмирлик чоғида, янаям аниқроғи, мадрасада таҳсил олиб юрган кезларида танишган эди. Ашаддий мухлис дарслардан қочиб кетар, шоир етакчилик қиладиган «Шарқ» ижодий клубига қараб ялангоёқ югурар, Тўқайнинг суҳбатини олиш ёш йигитга мароқ бағишларди. Охирги марта шоирни кўриш унга 1913 йилда касалхонада насиб этган. Тўқайнинг ҳаёт билан видолашувини ҳам ҳақиқий мухлис аниқтиниқ хотирлайди.

Мана, шундан бери 86 йил ўтиб кетди. Шоир йўқ, унинг мухлиси эса ҳаёт. Унинг тақдири совет даврини ўзида тўлиқ акс эттирган: сталинча лагерлар, озодликдан маҳрум этишлар, уруш, қашшоқлик...

Ҳожи ога таниқли ўқитувчи, у ҳамон шоир шеърларини мутолаа қилади.

«ЯРИМ МЎЪЖИЗА» ИЛИНЖИ

Буткинск мактаб-интернатининг моддий аҳволи кун сайин ёмонлашиб бораётганлиги директор Владимир Кедровскийни ташвишга солмоқда. Болаларни боқиш муаммо. Дори-дармонларни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ангина ёки тумовни даволашда фақат шифобахш ўсимликларга «мурожаат» қилинмоқда. Табиий офатлардан сақлаб қолувчи воситалар умуман йўқ.

120 бола яшаётган мактаб-интернатни ёпиб ташлаш эса янги муаммоларни келтириб чиқаради. Уларнинг 30 нафари етим, қолганлари ҳам нотинч оилалар «маҳсулоти». Уларда нима айб? Жовдираган кўзлар меҳр-мурувват истаб турса...

Маҳаллий ҳукумат тўралари етимхона раҳбарининг оҳ-воҳига қулоқ ҳам солмаяпти. Топган гаплари шу : «Президентга бор!»

Дарвоқе, Россия Президенти шу ерда туғилиб ўсган. Катта бир давлатни бошқараётган ҳукумат раҳбарининг «назари» мактаб-интернатга тушармикан? «Ярим муъжиза» рўй берадиган кун келардими? Педагогларнинг бутун илинжи шунда...

ТИЛ УСТИДА ЖАРРОҲЛИК

Челябинскда илк маротаба хавфли ўсмани даволашга доир жарроҳлик операцияси ўтказилди. 48 ёшли беморни тилидаги ўсма безовта қилар, лекин у операцияга розилик бермаётган эди. Шифокорлар ётиги билан тушунтиришгач, у бунга розилик берди.

«Платэс» пластик жарроҳлик марказий касалхонасининг бош шифокори Марина Кученкованинг маълумотларига қараганда, операция муваффақиятли ўтган. Вилоят онкология диспансери шифокорлари билан олиб борилган ҳамкорлик ҳам қўл келди. Жарроҳлик иши икки босқичда кечди: аввал бемор тилининг ўсма ишғол этган қисми кесиб ташланди, сўнгра тикиб қўйилди .

Шифокорлар операциядан сўнг бемор дарддан фориғ бўлса-да, сўзлашиш бахтидан маҳрум бўлса керак, деб ўйлашганди. Аксинча, бемор гапира бошлади. Операцияга қатнашган врачларнинг оғзи қулоғида. Аммо, бемор яшаб кетармикин, гап шунда...

ana shunaqa gaplar...

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси ТошДУ музей директори, университет фахрийлар кенгашининг раиси, тарих фанлари номзоди, доцент **Юлдаш Ибрагимович ИБРАГИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 1999 йил сентябрь ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Курсларга мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. Мактабгача таълим муассасалари мудиралари: 1.09.99 — 27.09.1999 йил.
2. Мактабгача таълим муассасалари услубчилари: 1.09.99 — 27.09.1999 йил.
3. Қисқа муддатли курслар:

Мактабгача таълим муассасалари логопедлари: 6. 09.99 — 18.09.1999 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент ш, Собир Раҳимов тумани, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 46-98-04.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

XXI аср ахборот асри бўлади. Унга етук мутахассислар билан қадам қўйиш, албатта, бугунги тажрибали, ижодкор ва фидоий ёшларга бериладиган билимга боғлиқ. Шундай эзгу мақсадли муаллимларни Тошкент компьютер лицейимизга қуйидаги ўқув фанларини ўқитиш учун ишга таклиф этамиз:

— физика, математика, инглиз тили ўқитувчилари;

— иқтисод ва ЭҲМ фанлари бўйича ўқитувчи-муҳандислар.

Манзилимиз: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уй, 15, 26, 106 автобусларнинг «Жамила» магазини бекати. Мўлжал «Ёғ-мой комбинати»
Тел: 93 - 00 - 09
93 - 46 - 53

Ҳурматли ҳамкасбимиз Турғунбой ХОЛДОРОВ!

Сизни кўп йиллардан буён инсон баркамоллиги йўлида фаолият кўрсатиб келаётган фидоий олим, мутахассис сифатида жуда яхши биламиз. Ҳозирда ҳам Жиззах Давлат педагогика институтидаги ёшларимиз жисмоний етуклигини таъминлайдиган ўқитувчилар тайёрлашдаги хизматларингиз таҳсинга лойиқ. Таваллудингизнинг 50 йиллик тўйи муносабати билан Сизни чин дилдан қутлаймиз. Ҳамиша соғу саломат, куч-қувватга тўлиб юринг!

Бир гуруҳ ўртоқларингиз

QUTLOV



Ҳурматли ҳамкасбимиз Халил ЯКУБАЕВ!

Сизнинг кўп йиллик фаолиятингиз асосан ёшлар билан ишлаш, уларни комил инсонлар бўлиб етиштириш билан давом этмоқда. Бугунги иодон кунларингизда Сизга шу йўлда ҳамиша ютуқлар ёр бўлишини, мустаҳкам соғлик, хуш кайфият ошно бўлишини тилаб қоламиз.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси

ВИЛОЯТ, ТУМАН (ШАҲАР) ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, БЎЛИМЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти халқимизнинг маънавий мероси дурдоналарига дахлдор китобларни чиқариш баробарида бевосита академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфлари учун ўқув фанларидан кўргазмали қуроллар тайёрлаб сотувга чиқарди. Жумладан, физика (18 кўринишда), химия (12 кўринишда), она тили ва адабиёти (22 кўринишда) фанлари мавзуларини ўқувчига пухтароқ етказишга хизмат қиладиган жадваллар, турли чизмалар ва ижод намуналаридан иборат бу ёрдамчи воситалар шу кунларда нашриётда мавжуд. Шунингдек, ўқитувчилар ва ўқувчиларни байрамларда, ўқув йили чораклари якунида рағбатлантириш учун «Фахрий ёрлиқ» ва «Maqtov yorlig'i» ҳам мавжуд. Бу маҳсулотларни сиз «Маънавият» нашриётидан харид қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй.
Мўлжал «Боғи эрам» истироҳат боғи.

Тел: 68-24-15, 67-22-14, 67-07-31.

А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ 1999 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирди:

1. ВПХМОИларнинг физика ва математика кафедра ва кабинет мудирлари курси	3-16 август
2. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўйича)	3-30 август
3. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги тарих бўйича)	3-30 август
4. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги химия, биология бўйича)	3-30 август
5. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги география бўйича)	3-30 август
6. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги физика бўйича)	3-30 август
7. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги математика ва информатика бўйича)	3-30 август
8. Умумий ўрта мактаб директорлари (мутахассислиги рус тили ва хорижий тиллар бўйича)	3-30 август
9. Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари	17-30 август
10. Туман (шаҳар) ХТБ она тили ва адабиёти ҳамда рус тили фанлари бўйича методистлар курси	3-30 август
11. Ёш табиатшунослар ва экологлар маркази (ЁТЭМ) директор ўринбосарлари	3-16 август
12. Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ва турбаза директор ўринбосарлари курси	17-30 август
13. ЧЁТ раҳбарлари	17-30 август
14. Кўзи ожиз болалар мактаб-интернат ЛФК ўқитувчилари	3-16 август
15. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаб-интернатларининг тарбиячилари	17-30 август
16. Рус ва инглиз тили дарсларида янги информацион технологиялардан фойдаланиш ВПХМОИлар учун маърузачилар курси	17-30 август

Барча курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Тингловчилар учун Марказий институт тасарруфидаги кутубхона, қироатхона ва бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курс харажатлари Марказий институт ҳисобидан тўланади. Тошкентга келиш ҳақи фақат темир йўл ва автобус билетларига тўланади.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагог-олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва Темурийлар тарихи Давлат музейи ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Манзилимиз: Тошкент — 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.
Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг талабалар шаҳарчаси (охирги) бекатигача.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Ҳусан НИШОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.